

Англиядаги черковда азон айтилди

Image not found or type unknown



16:55 / 20.11.2018 3250

Англия черковида айтилган азон нафақат иштирокчиларни, балки интернет фойдаланувчиларни ҳам ҳайратда қолдирди, деб ёзади The Sun нашри. Бу воқеа Биринчи жаҳон уруши қурбонларини хотирлаш маросими пайтида содир бўлди. Видео кўплаб тармоқларда тарқалган.

Маълум бўлишича, сананинг 100 йиллигини нишонлаш мақсадида “Блекберн” черковида катта мусиқий дастур ҳозирланган. Дастур ижросининг иккинчи қисмида черковга келганлар кутилмаганда азон овозидан лол қолганлар. Азон айтиш учун Дарвин динлараро форуми томонидан масжид имоми таклиф этилган. Хабарларга қараганда, мусиқа дастуридаги барча чиқишлар насронийлар черкови раҳбарияти билан келишилмаган ва айрим намойишлар ташриф буюрганлар учун совға сифатида тақдим этилган. Шу сабабдан ҳам 400 кишилик тадбир учун

азоннинг черковда янграши кутилмаган ҳолат бўлган.

Черковлар тарихида бу каби ҳолатлар аввал ҳам бўлган. Жумладан, 2017 йилда Гоустестер соборида 1000 киши иштирокида ташкил этилган кўргазмада ҳам азон овози янграган экан. Ўшанда азонни черков раҳбарияти томонидан таклиф этилган маҳаллий Масжиди-Нур жоме масжидининг имоми Ҳасан домла айтган экан.

Islom.uz портали таҳририяти